

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ УЗУМЧИЛИК ВА
ВИНОЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ҲАМДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИНИНГ УЗУМ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ВА ВИНО
ТАЙЁРЛОВЧИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ
ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА» 2019 ЙИЛ 30
МАРТДАГИ 271-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган киймат занжирини яратишга доир қушимча чора-тадбирлар түғрисида» 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-549-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси түғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 30 мартағи 271-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 апрель,
203-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 апрелдаги 203-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш
агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**

**хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг
узум етиширувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш
жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 30
мартдаги 271-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-илова 10-бандининг **«а» кичик банди** қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«узумчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича кафиллик тақдим этиш соҳасида умумий қийматининг камидан 15 фоизи лойиҳа ташаббускори томонидан молиялаштирилдиган узумчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича бўлғуси ҳосил, токзор ва (ёки) ер участкасига бўлган ҳукуқни гаровга олган ҳолда кафиллик тақдим этади;».

2. **2-иловада:**

а) **5-банд** қўйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларида белгиланган топшириқларни бажариш;»

ўн биринчи хатбоши тегишли равишда ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) **6-банд:**

«а» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«а) қонун ҳужжатларида белгиланган микдорда яратилаётган узум плантацияларида томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш. Агар шартномада кўрсатилган томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилишга сарфланган сумма субсидиянинг қонун ҳужжатларида белгиланган микдоридан кам бўлган тақдирда субсидия шартномада назарда тутилган суммага ажратилади;»;

«б» кичик бандидаги «35 гектар ва ундан ортиқ» сўzlари «35 гектардан зиёд» сўzlари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги «в» ва «г» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«в) маҳаллий шароитда ток ўсимлиги тўқима (меристема ҳужайра)ларидан «In vitro» шароитида етиширилган ток кўчатларини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида бир дона ток кўчатига 4 (тўрт) минг сўмдан ортиқ бўлмаган микдорда субсидиялар ажратилади;

г) ток кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида бир дона шпалерга 15 (ўн беш) минг сўмдан ортиқ бўлмаган микдорда субсидиялар ажратилади»;

қўйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган мақсадларга маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан, «в» ва «г» кичик бандларидаги

мақсадлар учун маблағлар Жамғарманинг қолган манбаларидан келиб тушадиган тушумлар ҳисобидан амалга оширилади.»

в) 7-банд қуидаги таҳирда баён қилинсин.

«7. Субсидияларни ажратиш томчилаб суғориш тизимини жорий қилиш, яратилаётган узум плантацияларида сув чиқариш учун насос станциялари ва сув чиқариш учун бурғулаш қудукларини қуриш, «In vitro» шароитида етиштирилган ток кўчатлари экиш ва шпалерга қўтариш ҳолати бўйича амалга оширилади, Томчилаб суғориш тизимини жорий қилиш, яратилаётган узум плантацияларида сув чиқариш учун насос станциялари ва сув чиқариш учун бурғулаш қудукларини қуриш, «In vitro» шароитида етиштирилган ток кўчатлари экиш ва шпалерга қўтариш ҳолати Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 103-сон қарори билан тасдиқланган Пахта хомашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига мувофиқ таркибдаги фойдаланишга топшириш бўйича комиссиянинг далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши лозим»;

г) 16-банднинг учинчи хатбоши қуидаги таҳирда баён қилинсин:

«узум плантацияларини барпо этиш учун ёки шпалерга қўтарилиши лозим бўлган токзорлар жойлашган ер участкаси мавжудлигини тасдиқлайдиган хужжат — субсидияларни олишда;»

д) 24-банддаги «узум экилиши мавсуми» сўзларидан кейин «ёки шпалерга қўтариш ишлари» сўзлари билан тўлдирилсин;

е) 25-банддаги «плантацияларини барпо қилиш» сўзларидан кейин «ёки шпалерга қўтариш ишлари» сўзлари билан тўлдирилсин;

ж) 26-банд қуидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агентлик тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича бўлғуси ҳосил, токзор ва (ёки) ер участкасига бўлган хуқуқни гаровга олган ҳолда кафиллик тақдим этади, бунда Жамғарма маблағларининг сарфланиши Жамғарманинг республика бюджетидан ажратиладиган субсидиялардаи ташқари бошқа манбалари ҳисобидан амалга оширилади»;

иккинчи-учинчи хатбошилари тегишли равища учинчи-тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

з) низомга 2-илованинг VII-босқичи чора-тадбирлар устунининг 1-банди қуидаги таҳирда баён қилинсин:

«1. Маблағлардан қатъий равища узум плантацияларини яратиш, томчилаб суғориш технологиясини жорий қилиш ва/ёки бурғулаш қудукларини қуриш, «In vitro» шароитида етиштирилган ток кўчатлари экиш ва шпалерга қўтариш учун белгиланган мақсадда фойдаланади»;

и) 3-илованинг «Амалга ошириладиган ишлар» графаси куидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:

«5¹. Ток кўчатларини шпалерга қўтариш».

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.04.2020 й.,
09/20/203/0401-сон)

